



СССР УЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

14 октябрь 1972 йил, шанба

№ 242 (15.413) ♦ Баҳоси 2 тийин.

МАШИНА ТЕРИМИГА ЗЎР БЕРАЙЛИК!

♦ ПАХТАКОР УРТОҚЛАР! ОБ-ХАВО ЈУРИШИБ
КЕТДИ, ҲАРОРАТ КУТАРИЛЯПТИ. ҒАНИМАТ ФУР-
САТНИНГ ҲАР ДАҚИҚАСИДАН УНУМЛИ ФОЙ-
ДАЛАНИНГ, ТЕРИМ СУРЪАТИНИ ОШИРИНГ. МА-
ШИНАЛАРНИ ТУЛА ИШГА ТУШИРИБ, ИККИ СМЕ-
НАДА ИШЛАТИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАНГ.

♦ МЕХАНИЗАТОРЛАР БИЛАН ТЕРИМЧИЛАР
МУСОБАҚАСИНИ КУЧАЙТИРИБ, КУНИГА 4-5 ПРО-
ЦЕНТДАН ПАХТА ТАЙЁРЛАШГА ЭРИШИНГ. БУ-
ГУН ҲАММАНИНГ УРНИ ПАХТАЗОРДА БЎЛСИН!
ҲАММА ТЕРИМГА!



МАШИНАДА Ким Кимга пахта терди?

Избоскан районидagi
Охунбоев номи колхоз-
дан.
Жўрақўзи ҲОЖИЕВ
410 тонна.
Шу райондagi Шермат
Юсуфов номи колхоздан
Марғуба БЎСТОНОВА
260 тонна.
Шу райондagi Тельман
номи колхоздан
Ғулмжон МАҲКАМОВ
324 тонна.
Шу райондagi «Шарқ юл-
дузи» колхозидан
Қодирали ЗУЛФИҚОРОВ
250 тонна.
Балиқчи райондagi «Қи-
зил Юлдуз» колхоздан
Турсунбой ТОҶИБОВ
415 тонна.
Ленин райондagi Эп-
гельс номи колхоздан
Мамажон ОТАБОЗОРОВ
150 тонна.

ҚАШҚАДАРЁ СОВХОЗЛАРИ ҒАЛАБАСИ

ҚАРШИ. («Совет Ўзбеки-
стони» мухбири). Қашқадарё
областининг совхозлари пахта
тайёрлаш бўйича 1972 йил
халқ ҳўжалиги планини му-
ддатидан илгари ошириб бажар-
дилар. Қабул пунктларига
пландаги 60 минг 80 тонна
ўрнига 65 минг тоннадан ор-
тиқ қимматбаҳо хом ашё ет-
казиб берилди. Бу натija ға-
лабига Ўзловно районидagi
«Москва», «Партия XXII
съезди», «Қашқадарё», Ўз-
лов номи совхозлар, Косон
районидagi «Косон» совхоз-
нинг пахтакорлари натija улуш
қўшдилар. Област совхозла-
рида терим машиналари бун-
гунгидан 23 минг тонна қим-
матбаҳо хом ашё тўйилди.

60 ЦЕНТНЕР УЧУН

ЎРҒАНЧ. («Совет Ўзбеки-
стони» мухбири). Янгйарай рай-
онидagi Киров номи колхоз-
нинг Мавлон Олломонов бошлиқ
бригадаси аъзолари бир ҳафта
аввал машина теримини бош-
лаган эдилар. Пахта йиғим-
терими комплекс механизаци-
лашгани сабабли бу бригада
Хоразм областда биринчи бў-
либ пахта тайёрлаш йилини
планини бажарди. Давлатга ҳар
гектар ердан 35 центнердан «оқ
олтин» топирилди.
Бригада аъзолари ўз имко-
ниятларини ҳисоблаб, ҳар гек-
тар ердан яна 25 центнердан
пахта йиғиб-териб олиш ва ҳо-
силдорлигини 60 центнерга ет-
казишга қарор қилдилар. Ҳозир
кунига тайёрлов пунктига план-
нинг 15-20 процентини миқдорда
пахта жўнатиляпти.
Ф. ЗОХИДОВ.

ШОЛИ-ДАВЛАТГА

Республика областларида шולי
урши ва тайёрлашнинг бориши
тўғрисида шу йил
13 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи сўн — областлар, ик-
кинчи сўн — Ўзбекистон
гектар ҳисобиди, учинчи сўн —
бажарилган процент, тўртинчи
сўн — давлатга топширилган шо-
ли тонна ҳисобиди, бешинчи сўн —
бажарилган процент.
Сурхондарё 1908 61,4 4778 59,7
Хоразм 5803 65,6 15982 57,1
ҚАССР 12553 47,0 36546 56,1
Сирдарё 2899 46,0 4365 23,6
Андижон 1012 36,6 1593 22,5
Намangan 817 24,3 783 17,4
Фаргона 747 28,8 285 3,1
Тошкент 2562 25,0 1025 3,8
Самарқанд 262 15,0 40 1,1
Республика
бўйича 28563 43,6 65397 39,6

ТОЛМАС КЎЛЛАР

Ҳосилдорлик пойғасида ҳамма
пахтакорларини қўшиб ўтган Хоразм
пахтазорларини кезиб юрибмиз.
Кишлоқлар сув қўйғандек жим-
жит. Колхоз правлениеларининг
эшигига қулф солинган. Бутун во-
ҳа қўшиб чиққан пахта теримига.
Ешўлилар ҳам, болалар ҳам қў-
макдош пахтакорларга. Қўшқўр
районидagi «Тошкент» колхозининг
республикада хизмат кўрсат-
ган меҳнаткор Уғилжон Нурул-
лаева бошлиқ комплекс — механиз-
ациялашган бригадаси дала ший-
понига тушда бордик. Баҳо, сў-
ли жой.
Шоир Зоҳиджон Обидов:
— Агар колхозчиликка қабул
қилсаларинг қолардим, — деди
ҳазилчи чин. — Сизларга чой қай-
натиб ўзиди, шеър битиб юр-
дирим.
Теримчилар овқатланиб, ҳордик
чиқариб ўтиришган экан. Уғилжон
шоирларни даярага тортиди:
— Бизларнинг ўйин-кули, му-
шоиримиз ҳам шу ерда бўлади.
Ҳосилдорлик пойғасида ҳамма
пахтакорларини қўшиб ўтган.
Улар конструкторларга ҳам маши-
наларининг нуқсонларини топиб
кўрсатадиган пахтакор. Шундай
экан бу пахтакор учун, улар
ҳақида аср ёзиш қандай шараф-
ли, қандай масъулият эканлигини
биз ёзувчилар ҳам ўйлаб қури-
шмиз керак!
— Ўзингиз қанча пахта тердин-
гиз, — сўради Уғилжондан.
— 300 тоннадан ошди, — деди
бармоқлари билан агрегат олдиди-
ки курсатки тахтачини тўғрилаб
кўй экан. Бу Уғилжоннинг ўзига
оз туюлди, шекилли, оқмағиз юзи-
га қизиллик югурди. — Ҳали яна
150 тонна тараман.
Уғилжон асли шу Кенасар кишло-
қидан. Деҳқоннинг қизи. Болали-
дан мактаб, пахтазорини курган.
1961 йилда Хива механизация би-
лими юртини тамомлаб келди. Уша
йили 150 тонна пахта терди. Таш-
килотчи, ғайратли, одамларнинг

МЕХАНИЗАТОРГА

Бешик-бешик тўққин уриб, чайқалади пахтазор.
Қанот ёсини уфқича — эзанор кемами учир!
Фурсат нутмас оқар сувдан кетар оқшом ва наҳор.
Пўлат отинг изларини узоқ қартага қўйиб.
Ер мурувсин қамрагудай ҳаддан ташлар мардона,
Пўлат этиларини ёсини, бутун йезми қўлингизда,
Меҳнатининг самараси ва бойлиги дурдона
Сени кутар интизорлик билан ҳарчок қўлингизда.
Сайр айланиб агрегатлар билан қимматли дамнинг,
Мафтун атар пахтазорда кўш шўъласи, мавний,
Фаровонлик гаровидан босган ҳар бир наҳаднинг,
Ҳавасининг далага бослаб теримининг авни.
Эртаги кун салмоғини бунерлар кучоғида
Қўйиб нуриб, келангани қилгил дўстин сарҳисиб.
Кўш зарлава ёзиб юксак хирмон тоғида,
Боқар, фурсатини қўлдан берма, дегандек хитоб!
Қўшиқ наби қанот ёзиб, кемалар қилсин парвоз,
Қад нутарсин зўр хирмонлар пош бўлсин булутга,
Келиларда меҳнат завоғи жарангалсин олтинсоз,
Ветиратор пахта шахси бўйлигини эзу юртга.

4.550.000 ТОННА

ПАХТА ШТАБИ

ТЕЛЕФОНЛАР: 337343 • 337604

ЯККАБОҒ ПАХТАСИ

Яккабоғ районининг меҳнат-
чиларини СССР ташкил этилган
ларнинг янги асрилик юбилейи
шарафига умумхалқ соҳна-
лик мусобақасига қўшилиб, му-
ддатидан олдин, 12 октябрда дав-
латга пахта сотиш планини ба-
жардилар. Батан яккабоғликлар-
дан 27080 тонна «оқ олтин»
қабул қилиб олдди. Шундан
6018 тоннаси машиналарда
терилди.
Районнинг зафар қўчиниди
пахта сотиш планини ошириб
бажарган Энгельс номи, «Ле-
нинизм», «Қизил Ўзбекистон»,
«Коммунист», «Коммунизм»,
«Правда», «Қизил юлдуз» кол-
хозлари деҳқонларининг зар-
дор меҳнати катта ердам берди.
Яккабоғ пахтакорлари ўз им-
кониятларини ҳисоблаб чиқиб,
Ўзбекистоннинг катта пахта хир-
мони яна 13 минг тонна «оқ
олтин» етказиб бериш мажбу-
риятини олдидлар.

ЗАФАР ҚУЧҒАНЛАР

ФАРҒОНА. («Совет Ўзе-
бекистони» мухбиридан телефон
орқали олинди). Фарғона рай-
онидagi Фарғона номи совхоз
меҳнаткорлари терим агре-
гатларининг йили сменада иш-
лашнинг таъминлаб, катта за-
фар қўшдилар. Бунгунгидан
2 минг тонна ўрнига 2318 тон-
на пахта тўқиб, машина тери-
ми планини олтинчи билан адо
этидилар.
И. Акбаров, Р. Тургунов, А.
Эрматов, Х. Бойқўзов, А. Ус-
монов каби меҳнаткорларнинг
ҳар бири 135-165 тонна-
гача пахта терди. Совхоз ме-
ханизаторлари яна 7000 тонна
пахта теришга адо қилдилар.
Шунингдек, Рийстон райони-
дagi «Рийстон» совхозининг
«Авазбой» бўлимида ҳам ма-
шина терими плани муддати-
дан олдин адо этилди.

ОЛЛАМУРОД ИККИ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

ШЕРОБОД. 13 октябрь. (ЎзТАГ
мухбири). Охунбоев номи кол-
хозда Олламурад Екубов брига-
даси йилинги миқдордаги пахта
тайёрлаш планини бажариб бўл-
ди. 50 гектар қўриқ ерининг ҳар
бир гектаридан шу дамгача 30
центнердан ҳосил кўтарилди.
— Ҳали далада пахтамиз кўп,
— деди бригадир. — Юбилей йи-
лида 45 центнерга етказиб ҳосил
кўтарамиз деган мажбуриятимиз-
ни албатта бажарамиз.
Шўрчи районидagi Энгельс но-
ми колхозда О. Екубов бошлиқ
килаётган бригада 1970 йил иши-
да янги очилган қўриқ ерларга
кўчиб борган эди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Беруний номи ва Ҳамза но-
ми Ўзбекистон ССР давлат му-
кофотларини олиш учун тақдим
этиладиган асарларнинг илмий-
назарий ва говий-бадиий савия-
сини янада ошириш, бу асар-
ларнинг кенг ва ҳар тарафлама
муҳомада қилиш учун қўлай
шароит яратиш мақсадида бун-
дай мукофотларни ҳар икки йил-
да бир марта, Ўзбекистон ССР
ташкил этилган кун — 27 ок-
тябрда бериш тўғрисида қарор
чиқарилди.

4.550 МИНГ ТОННА УЧУН

Ўзбекистон ССР областларида пахта тайёрлашнинг бориши
тўғрисида 1972 йил 13 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобиди)

Областлар	Вир кунда	Мавсум бўлидан	Шу жумладан машина терим	Мавсум бўлидан
Қашқадарё	1,97	96,52	1,22	69,09
Сирдарё	2,73	88,92	2,82	102,56
Андижон	2,17	79,43	4,26	76,95
Тошкент	2,30	76,78	2,62	83,64
Наманган	2,56	75,12	5,17	108,10
Фарғона	2,34	67,38	3,05	56,37
Сурхондарё	1,87	63,41	2,12	58,18
Бухоро	1,63	63,40	2,11	49,79
Хоразм	1,85	41,75	1,59	23,60
Самарқанд	2,29	40,22	2,69	30,74
ҚАССР	2,32	38,40	2,32	30,26
Республика бўйича:	2,19	66,34	2,79	65,83
Шу жумладан ишчилик толи пахта:				
Қашқадарё	1,78	75,43		
Сурхондарё	1,42	47,71		
Бухоро	1,55	47,65		
Республика бўйича:	1,62	57,50		

ЭРОН ШАХАНШОХИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИДА БЎЛИШИ

СОВЕТ—ЭРОН ҲУҶЖАТЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

12 октябрда Москвада қабул
маросимлари ўйида Совет Соци-
алистик Республикалари Иттифоқи
билан Эрон ўртасида ун беш йил-
лик муддатга мўлжалланган ик-
тисодий ва техникавий ҳамкорли-
ни ривожлантириш тўғрисидаги
шартнома ва 1972-1976 йилларда
СССР билан Эрон ўртасидаги ма-
даний алоқалар плани имзолан-
ди.
Шартнома ва планни Совет ҳу-
кумати номидан СССР ташки иш-
лар министри А. А. Громико,
Эрон шаханшоҳ ҳукумати номидан
ташки ишлар министри Аббос
Али Халатбарий имзоладилар.
СССР ва Эрон ҳукуматлари ҳар
икки томоннинг ҳар иккала мам-
лакат ўртасида мавжуд шартнома-
лар, битимлар ва бошқа ҳужжат-
лар руҳидаги дўстона ва ахлий
қўшчилик муносабатларини муста-
хкамлашни ва ривожлантиришни
ишга солишнинг назарда тутиб,
шартнома тўзидилар.
Шартнома СССР билан Эрон
ўртасида узоқ муддатга мўлжал-
ланган ва мустақкам негизга асос-

ланган ҳар икки томон учун ҳар
томонлама қўлай иқтисодий ва
техникавий ҳамкорлик ҳамда сав-
до-сотикни янада ривожлантириш
ва кенгайтиришни назарда тутиди.
Шартнома тексти эълон қилинади.
СССР билан Эрон ўртасида ма-
даний алоқалар тўғрисидаги би-
тми асосида тузилган маданий
алоқалар плани маданият ва санъ-
ат, фан, радио, телевидение, ма-
тбуот соҳасида, шунингдек, спорт
соҳасида ҳамкорлигининг асосий
йўналишларини белгилайди.
Ҳужжатларни имзолаш чоғида
СССР Олий Совети Президиуми-
нинг Раиси Н. В. Подгорний, СССР
Министрлар Совети Раисининг би-
ринчи ўринбосари Д. С. Полян-
ский ва бошқа расмий кишилар
ҳозир бўдилар.
Эрон томонидан Эрон шахан-
шоҳи Мухаммад Ризо Пахлави,
малика Фароҳ Пахлави ва шаҳан-
шоҳ билан бирга СССРга келган
расмий кишилар қатнашдилар.
(ТАСС).

Совет томонидан қабул мароси-
мида Н. В. Подгорний, А. Н. Ко-
сигин, Д. С. Полянский, бошқа
расмий кишилар ҳозир бўдилар.
Қабул маросими чоғида Эрон
шаханшоҳи Мухаммад Ризо Пах-
лавий ва СССР Олий Совети Пре-
зидиумининг Раиси Н. В. Подго-
рний дўстона қадаҳ кўтардилар.
(ТАСС).
ЭРОН ШАХАНШОХИ
МУҲАММАД РИЗО
ПАХЛАВИ БИЛАН
МАЛИКА ФАРАҲ
ПАХЛАВИ МОСКВАДА
ЖўНАБ КЕТДИ
СССР Олий Совети Президиу-
мининг ва Совет ҳукуматининг
тақдифига бинози расмий ахлий
билан бизнинг мамлакатимизда
турган Эрон шаханшоҳи Мухам-
мад Ризо Пахлави билан малика
Фароҳ Пахлави 13 октябрда Мос-
квадан жўнаб кетдилар.
Эрон ва Совет Иттифоқининг
давлат байроқлари билан безати-
лган Внуково аэродромда СССР
Олий Совети Президиумининг
Раиси Н. В. Подгорний, СССР Ми-
нистрлар Советининг Раиси А. Н.
Косигин, СССР Министрлар Со-
вети Раисининг биринчи ўринбоса-
ри Д. С. Полянский, бошқа рас-

ДУСТЛИК ВАЗИЯТИДА

Эрон шаханшоҳи Мухаммад Ри-
зо Пахлави ва малика Фароҳ
Пахлави 12 октябрда қабул мо-
росими ўтказдилар.

мий кишилар, Москва меҳнаткаш-
ларининг вакиллари шаханшоҳни
кузатиб қўйиш учун келишди.
Қўшнларнинг уч тури вакилла-
ри — пёда аскарлар, унвчилар,
деңизчилардан иборат фарҳри
корпус учини майдонда саф
тортиб турди. Фарҳри коро-
вул бошлиқ шаханшоҳга рапорт
берди. Эрон ва Совет Иттифоқи-
нинг давлат гимнлари янгради.
Эрон шаханшоҳи Ризо Пахлави
билан СССР Олий Совети Прези-
дентининг Раиси Н. В. Подгорний
совет жангчилари сафи олдидан
ўтидилар.
Совет раҳбарлари ва пойтахт
меҳнаткашларининг вакиллари Эрон
давлатининг бошлиқ билан самим-
ий ҳайрлашиб қолдилар.
Самолёт Таллин томон йўл ол-
ди. Олий меҳнаткорлар Совет Итти-
фоқи бўйлаб қилаётган бу саф-
ерда Воронеж, Олмаога ва Сочига
ҳам борадилар.
Шу кунги Эрон шаханшоҳи, Му-
хаммад Ризо Пахлави билан
малика Фароҳ Пахлави Таллинга
келишди.
Эрон, Совет Иттифоқи ва Эсто-
ния ССР давлат байроқлари билан
безатилган аэропортда олий
меҳнаткорлари Эстония ССР Олий
Совети Президиумининг Раиси
А. П. Вадер, республика Министр-
лар Советининг Раиси В. И. Клау-
сон, бошқа расмий кишилар, Тал-
лин меҳнаткашларининг вакилла-
ри кутиб олишди. (ТАСС).

